

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Пардаева Замира Ўктамовна. ЖДПУ

zamirapardayeva07@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчилар келажакда оила бюджети, шахсий маблағларини сарфлашда муаммоларга дуч келмаслиги учун математика дарслари доирасида уларнинг молиявий саводхонлигини ривожлантириш ва шакллантириш масалалари қараб чиқилган.

Калит сўзлар: молия, молиявий саводхонлик, оила бюджети, фойиз, кредит, сарф, харажат.

Замонавий инсон дуч келадиган ўткир муаммо мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятга саводли ёндошадиган, қўйилган мақсадларга, касбий ва ижтимоий соҳаларда маълум юксакликларга осон эришиш учун ўз ҳаракат режасини туза оладиган муваффақиятли шахсни шакллантиришдан иборат. Бундан ташқари, бу масалада иқтисодий компонент етакчи ўринни эгаллаши аниқ.

Оила бюджети, кредитнинг фойиз ставкаси, қарз, фойда ва бошқа кўплаб тушунчалар бугунги кунда ҳар бир инсон дуч келадиган тушунчалар, шубҳасиз, ҳатто катта одамларда ҳам баъзида у ёки бу иқтисодий атамаларни эшитганда савол туғилади, инсон дуч келиши мумкин бўлган қанча фирибгарлик ва бошқа “зарарли вазиятлар” нинг барчасига аҳолининг молиявий билимсизлиги айбдор.

Бугунги кунда умумтаълим муассасаларида тарбияланаётган келажак авлодимиз таълим муассасасида нафақат билим, кўникма, малакаларни эгаллайди балки дарс жараёнида олинган назарий материалларнинг ана шундай кенг базасини қўллаш учун кенг имкониятларга эга. Хусусан, иқтисодий билимлар ҳақида гапирганда, мактаб адабиётига мурожаат қилган ҳолда, ижтимоий фанлар курсида қўйилган билимларнинг сифат асослари ҳақида гапириш мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ўқувчилар иқтисодий соҳани кўп ҳолларда 6-7-синфдан бошлаб ўрганишни бошлайдилар.

Ўзбекистон ҳудудида таълим фаолияти Давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши керак, унинг биринчи саҳифаларида стандарт таълим тизимида ўқувчиларни ривожлантириш учун ижтимоий муҳитни лойиҳалаш ва тузишни таъминлайдиган тизимли – фаолиятли ёндашувига

асосланганлиги таъкидланган. Шунингдек, стандарт ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллай оладиган битирувчининг шахсий хусусиятларини шакллантиришга қаратилганлиги айтилади.

ДТС ўқувчилар томонидан дастурларни ўзлаштирилишига қуйидаги талабларни ўрнатади:

- ўрганиш мотивацияси, ижтимоий компетенциялар, мақсадларни белгилаш ва ҳаёт режаларини тузиш қобилиятида ифодаланадучи *шахсий*;

- ўқитиш натижалари, ўқув ва билиш муаммоларни ҳал қилиш учун белгилар ва ишоралар, моделлар ва схемаларни яратиш, қўллаш ва ўзгартириш қобилиятини акс эттирувчи *метапредметли*;

- Ҳақиқий жараён ва ҳодисаларни тавсифлаш ва ўрганиш имконини берувчи ҳақиқатни билиш усули сифатида математика ҳақидаги ғояларни шакллантириш; ўрганилган тушунчаларни, натижаларни, амалий характердаги масалаларни ва турдош фанлардан масалаларни ечиш усулларини, керак бўлганда, маълумотномалар, компьютердан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш; статистик маълумотларни тақдим этиш ва таҳлил қилишнинг энг оддий усулларини ўзлаштириш; ўқув математик матн билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; ахборотни расмийлаштириш ва тизимлаштириш кўникмаларини шакллантиришдан иборат *предметли*.

Шундай қилиб, таълим олинган билимларнинг амалда қўлланилишини таъминлашга, шунингдек, ўқув жараёнида инсон кундалик ҳаётда дуч келадиган ҳаётий вазиятларни лойиҳалашга қаратилган. Шунинг учун иқтисодий нафақат тушунчалар, қонуниятлар ва қонунлар тизимига эга фан сифатида, балки режалар мақсадларига эришиш йўли, масалан, математика дарсларида лойиҳалаш мумкин бўлган кундалик турмуш масалаларини ечишда восита сифатида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, математикани ўрганиш орқали молиявий саводхонликни эгаллаш ва аксинча, математикани ўқитиш жараёнида турли иқтисодий вазиятларни моделлаштириш, ечиш, таҳлил қилиш йўли билан билим, малака ва кўникмаларни олиш фанлараро чамбарчас боғлиқликдан, мактаб курси ўқув предметларининг бир-бирини тўлдирувчилигидан ва уларнинг интеграциясидан далолат беради. Шундай қилиб, оддий ҳаётда ҳар қандай вазиятни бир нечта соҳаларда олинган билимлардан фойдаланган ҳолда турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин ва шунинг учун ўқувчилар мактабда амалий, моделлаштирилган масалаларни ечишда муаммони ечиш учун турли хил воситалар, мактаб курсининг кўплаб фанлари орқали сингдирилган билимлар билан ёндашиш имкониятига эга бўлиши керак. 5-6 синфларда молиявий

саводхонликни шакллантириш учун мактаб ўқувчиси қуйидаги математик тушунчалар билан эркин амаллар бажара олиши зарур:

- Фоиз, соннинг фоизини топиш ва аксинча;
- Сонларнинг ўрта арифметици;
- Касрлар устида амаллар (қисми бўйича сонни топиш, оддий ва ўнли касрларни қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш амаллари);
- Тенгламалар ёрдамида масалаларни ечиш;
- Пропорция ёрдамида масалаларни ечиш (тўғри ва тескари пропорциялар);
- Мусбат, манфий сонлар ва улар устида амаллар ҳақида тушунча;
- Фигура юзи ва ҳажмини ҳисоблашга доир масалаларни ечиш;
- Координата текислиги, графиклар, диаграммалар.

Математика дарсида иқтисодиётнинг қайси соҳаларига тўхталиб ўтиш мумкинлигини ва ўқувчи кўриб чиқилаётган соҳа доирасида қандай назарий материал билан ишлашни ўрганишини кўриб чиқайлик. Қуйида математика ва иқтисод мавзуларини бирлаштириш вариантларидан бири ва натижада ўқувчиларнинг эгаллаган малака ва кўникмалари келтирилган жадвал келтирилган.

Математика ва иқтисодиёт мавзуларининг интеграцияси варианты

Математиканинг ўрганиладиган мавзуси	Иқтисод фанидаги мавзу	Назарий минимум	Малакалар	Компетенциялар
Фоизлар, ўнли касрлар устида амаллар, графиклар, диаграммалар	Валюта амаллари, кредит, талаб ва таклифлар, оилавий бюджет	Валюта, валюта курси, айирбошлаш, валюта биржаси, девальвация	Бир валютани бошқасига айирбошлаш; турли давлатларнинг валюталари ҳақида маълумотларни топиш: валюталар курси ҳақида маълумотларни топиш	Мамлакатдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда хорижий валютада жамғармаларга бўлган еҳтиёжни баҳолаш
Сонларнинг ўрта арифметици. Мусбат ва манфий сонлар. Фойизлар, пропорциялар.	Кредитлар ва депозитлар. Депозитлар ва фойизли даромадни ҳисоблаш	Депозитлар, кредитлаш ставкаси, банк, суғурта, ипотека	Банк фойизи ва депозитлар бўйича тўлов суммасини ҳисоблашни ўрганиш, харажат, фойда, даромад.	Ўз молиявий муаммоларини хал қилишда банк хизматларидан фойдаланиш заруратини баҳолаш,

				пулдан фойдаланишда молиявий ва технологик хавфсизлик кўникмаларни эгаллаш
Масалаларни тенгламалар ёрдамида ечиш. Касрлар устида амаллар. Мусбат ва манфий сонлар	Молиявий режа. Оила ва давлат бюджети. Иқтисодий ресурслар.	Фойда, даромад, ойлик маош, солиқ, ижара, дефицит, профицит, бюджет	Харажатларни ҳисоблаш. Қоғозда ёки компьютер ёрдамида оила бюджетини тузиш. Бюджет дефицитидан кутилишга доир масалалар ечиш,	Оила харажатларини ҳисоблашда иштирок этиш, шахсий харажатлар структурасини тахлил қилиш.
Фигура юзи ва хажмини ҳисоблашга доир масалаларни ечиш	Молиявий самарадорлик	Иқтисод, харажатлар	Маълумотни тахлил қилиш ва уни энг фойдали молиявий ҳисоб – китобда қўллашни билиш.	Вазиятнинг иқтисодий натижаси вариантларини аниқлаш ва баҳолаш
Координата текислиги, графиклар, диаграммалар	Талаб ва таклифлар. Товар нархи	Талаб, таклиф, нарх, бозор, мувозанат нарх	Маълумотни, турли диаграммаларда келтирилган статистик маълумотларни тахлил қилиш.	Талаб ва эҳтиёж, нарх ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар орасида сабаб – оқибатли алоқаларни ўрнатиш.

Молиявий саводхонликни шакллантиришни математика ўқитиш жараёнига киритишнинг ижобий жиҳати шундан иборатки, бу момент ҳам касбга йўналтирилган. Ўқув жараёнида амалий йўналиш иқтисодий терминологияни тушунишга ёрдам беради, математикага қизиқишни оширади, мактаб ўқувчиларининг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшади ва муҳими инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради. Албатта, математик воситалар билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий, банк, молиявий фаолиятга қизиқиш ортиб боради. Ушбу фикрлар, шунингдек, Давлат Таълим Стандартининг матнида акс этирилган: умумий таълимнинг асосий таълим дастурини амалга ошириш шартлари таълим муносабатлари иштирокчиларига келгусида муваффақиятли

таълим ва касблар дунёсига мослашиш учун асос бўлган асосий компетенцияларни ўзлаштириш имкониятини бериши керак.

Ўрганилаётган фанга қизиқишни ошириш учун иқтисодиёт билан танишишни мураккаб атамалар, қонунлар ва доғмаларни ўрганишдан эмас, балки эртароқ минимал терминология билан танишишни бошлаш, бу билимларни кўпроқ амалий қўллаш мақсадга мувофиқ ва самаралироқдир. Мактаб математика фани инсоннинг молиявий ҳаётини ўрганишни бошлаш учун восита бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. Тошкент-2000
2. Абдухамидов А.А., Насимов Н.А. ва бошқалар. Алгебра ва математик анализ асослари. Тошкент-2001
3. Вафоев Р.Х., Хусанов Ш.Х. Алгебра ва анализ асослари. Тошкент-2011
4. Большая Российская энциклопедия – 2005
5. Сабанин Л.В. Математика в понятиях, определениях и терминах. Москва, Просвещение 1982
6. <http://uz.wikipedia.org/wiki/Matematika>